

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилда Андижон вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 14479,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилга нисбатан 6,7 % га ўсди.

2017 йил якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 4847,2 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 4,9 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Андижон вилоятининг кўшган хиссаси 5,8 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2016 й. га нисбатан % да
	2016 й.	2017 й.	
I. ЯҲМ	11110,7	14479,0	106,7
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	10771,6	14083,7	106,6
Маҳсулотларга соф солиқлар	339,1	395,3	109,7
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	10771,6	14083,7	106,6
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3466,3	4707,5	101,1
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2470,1	3722,1	117,3
саноат	1764,7	2934,5	123,5
қурилиш	705,4	787,6	101,9
Хизматлар	4835,2	5654,1	105,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1047,7	1250,2	101,9
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	1223,3	1330,0	104,7
бошқа хизмат тармоқлари	2564,2	3073,9	106,6

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 101,1 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 33,4 %), саноат – 123,5 % (20,8 %), қурилиш – 101,9 % (5,6 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 101,9 % (8,9 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 104,7 % (9,4 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,6 % (21,9 %) ни ташкил этди.

2017 йилда ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари





иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 97,3 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 2,7 % ини ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 1,2 % пунктга ўсди ва ҳисобот йилида 33,4 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 3,5 % пунктга ошди ва 26,4 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2017 йилда 40,2 % ни ташкил этди ва 2016 йил (44,9 %) билан таққосланганда 4,7 % пунктга камайди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

